# ТАРИХ САБОҚЛАРИ

КИНО

ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ артисти, таниқли кинорежиссёр Латиф Файзиев ўзининг янги, икки серияли «Уйғониш» бадиий фильмини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Картина Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти лауреати Назир Сафаров асари асосида яратилган. Назир Сафаров ижоди ҳақида гапирганларида ёки ёзганларида «инқилобий руҳ билан суғорилган ижод», деган иборани кўп ишлатадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ёзувчи буни ўзининг «Уйғониш», «Тарих тилга кирди» драмалари, «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» романлари ва бошқа асарлари билан исботлаган. Адиб ўзи учун ниҳоятда қадрдон бўлган мавзуга бир умр содиқ. Шунинг учун ҳам у, «Ижод қилишдан мақсадингиз нима?» деган саволга ҳамиша «Ота-боболаримизнинг инқилоб йўлида олиб борган буюк жасоратини акс эттиришдир», деб жавоб беради.

Мана, экранда ана шу буюк жасоратнинг ўзига хос ёрқин саҳифасини, яъни 1916 йилги Жиззах қўзғолонини акс эттирган, муҳими, халқимизнинг синфий ва миллий уйғонишини кўрсатган фильм. Фильмда қатнашган машҳур санъаткор, СССР халқ артисти Иннокентий Смоктуновский радиожурналистлар билан қилган суҳбатида «Уйғониш»даги иштирокини 1983 йилги ёрқин ишларидан бири сифатида эътироф этди. Гапнинг очиғи, Иннокентий Смоктуновскийдек моҳир санъаткорга роль тақдим этиб, маъқул қилдириш осон эмас. Аммо «Уйғониш» картинасидаги Гиппиус ролини у иккиланмай, мамнуният билан қабул қилди.

«Уйғониш» фильми муваффақиятининг омилларини учта муҳим фактда ёрқин кўриш мумкин. Биринчиси, картинага асос бўлган асарнинг маҳорат билан ёзилганлиги ва сценарийнинг пухталиги, иккинчиси, ёзувчи Назир Сафаровнинг фильмни экранлаштириш жараёнидаги актив иштироки, учинчиси эса, режиссёр томонидан ажойиб актёрлар ансамбли яратилганлигидир.

Ҳурматли ёзувчимиз «Уйғониш»ни суратга олишга тайёргарлик даврида ҳам, қизғин иш кетаётган кунларда ҳам съёмка қатнашчилари билан бирга бўлди. Назир ота фильмни элга манзур қила олиш ўйи билан яшади. Эзгу мақсади амалга ошиши учун меҳнатдан қочмай, Николай Рожков ва Латиф Файзиев билан бирга Москва, Ленинград, Тошкент архивларида эринмай ишлади. Революция учун курашган ветеранлар билан қайта-қайта учрашди, суҳбатлашди. «Ниятимиз фильмнинг пухта чиқишига, аниқроғи, ғоявий-бадиий ва тарихий жиҳатдан аниқ ва ишонарли бўлишига эришиш эди», дейди адиб. Кинолентани томоша қилар эканмиз, авторлар эзгу мақсадига эришганликларининг гувоҳи бўламиз.

Актёрлар ансамблида Иннокентий Смоктуновский билан бирга Кирилл Лавров, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов каби СССР халқ артистлари, Николай Тимофеев, Ҳошим Гадоев, Расим Балаев, Владлен Давидов, Пўлат Саидқосимов сингари республика халқ артистлари, Дилбар Эгамбердиева, Жаҳонгир Файзиев каби ёшлар бор. Ҳар бир актёр ўзига хос ижро услубига эга. Латиф Файзиев роль тақсимлашда ҳам янглишмаган. Масалан, Зикир Муҳаммаджонов ижросидаги Мавлон оддий деҳқонга хос хислатларни ўзида мужассам этгани, жайдарилиги, мардлиги ва беғуборлиги билан эътиборни тортади.

Бош қаҳрамон Қудрат образи ҳам ўз ижрочисини топган. Томошабин Сибирга сургун қилинган Қудрат мисолида даставвал «қўли калта», аммо онг-тушунчаси, одамларга бўлган ҳушёр муомала-муносабатидан инқилобий ҳаракатларга хайриҳоҳ кишини кўради. Бу хайриҳоҳлик курашчан фазилатга айланиб, Қудрат Туркистон халқларининг чор самодержавиеси ва маҳаллий бойларга қарши тобора кучайиб келаётган ҳаракатининг актив намояндаларидан бири бўлиб қолади. Эзгу мақсад йўлида, бутун халқ тақдири учун курашда у ёлғиз эмас. Ҳақиқий революционер Алексей Воропаевдек (артист Николай Тимофеев) ҳамфикр дўстлари, қардошлари бор. Оддий темирчи йигитнинг актив инқилобчига айланиши, шубҳасиз, актёрдан катта маҳоратни, астойдил изланишни талаб қилар эди. Шу жиҳатдан Қудрат роли ижрочиси, Тожикистон ССР халқ артисти Ҳошим Гадоевнинг самарали ижодий меҳнатини таъкидлаш ўринлидир. Театр ва кино санъатида Қудратга ўхшаган қаҳрамонлар бор. Халқ уларни яхши билади. Шунинг учун ҳам актёр такрорийликдан қочади ва ўзига хос, оригинал образ яратишга эришади.

Ҳошим Гадоев Латиф Файзиев картинасида биринчи марта қатнашаётгани йўқ. У режиссёримизнинг олтмиш тўртинчи йили Мақсуд Шайхзода сценарийси асосида экранлаштирилган «Улуғбек юлдузи» фильмида ҳам роль ижро этган эди. «Менга Латиф аканинг режиссёрлик маҳорати, услуби ёқади, — дейди Ҳошим Гадоев. — У кишида актёр имкониятларини тез илғовчи, кашф этувчи қобилият кучли. Бошқа режиссёрларда кам кўринадиган ёзувчилик истеъдоди бор».

Фильм ютуқлари ҳақида гапирганда, И. Смоктуновский ва К. Лавров талқинини алоҳида қайд этмоқ лозим. Уларнинг иштироки картинага ўзига хос файз киритиб турибди. И. Смоктуновский Фарғона музофотининг генерал-губернатори Гиппиус образини ғоятда ҳаётий талқин қилади. Бу образ томошабинда ғазаб туйғуларини уйғотади. Гиппиус салбий образ бўлса-да, ғоятда ақлли, устомон. Ниятига етиш, рақибини мағлуб қилиш учун қандай бўлмасин йўл топишга, ҳийла-найранг ишлатишга қодир. Кирилл Лавров ижросидаги питерлик ишчи образи самимийлиги билан диққатга сазовор. Унда ортиқча хатти-ҳаракатлар йўқ. К. Лавров қаҳрамони эътиқодли, узоқни кўра биладиган, маънавий етук, фидойи революционердир.

Вахтангов номидаги театр артисти Николай Тимофеев ижросидаги революционер Алексей Воропаев, Наби Раҳимов талқинидаги Нўъмонали, Владимир Дружников ижросидаги уезд полковниги роллари ҳам ўзига хослиги билан эътиборга лойиқ. Картинадаги барча образлар бутун қарама-қаршиликлари ва тадрижий ўсишлари билан берилади.

Фильмнинг диққатга сазовор томонидан яна бири шундаки, ундаги актёрлар ансамбли интернационалдир. Ижрочилар орасида Москвадан, Озарбойжон, Тожикистон, Шимолий Осетия республикаларидан актёрлар бор. Яна бир характерли фактни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Асардаги улуғвор интернационализм ғояси ўзбек деҳқони ва рус ишчисининг бир ёқадан бош чиқариб, озодлик учун ҳамжиҳатликда олиб борган кураши замирида талқин этилади.

Тўғри, Ўрта Осиёнинг бошқа районларига ҳам ёйилиб кетган халқ қўзғолони ягона раҳбарликка эга бўлмаганлиги сабабли инқирозга учрайди. Чор ҳокимияти юборган жазо отряди қўзғолончилардан қаттиқ ўч олади. Лекин бу ерда халқимиз синфий ва миллий онгининг уйғонишидек катта ғалаба бор! Ана шу кўтарилиш, уйғонишни тасвирлаган фильм эзгуликка ишонч билан тугалланади.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг янги маҳсулоти — «Уйғониш» бадиий фильми Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қутлуғ 60 йиллик тўйи арафасида улуғ инқилоб учун, озодлик учўн курашганларнинг ибратли ҳаётини ўзида ёрқин акс эттирган тиниқ бир кўзгу сифатида аҳамиятга эгадир.

Юсуф БЕРДИЕВ



Суратда: «Уйғониш» фильмидан кадр.

# ТЕАТР—ТАРБИЯ ДАРГОҲИ

МУНОЗАРА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида театр ва томошабин масаласига оид бошланган мунозара ўринли бўлди. Бу мубоҳасаларда кўп таклифлар ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Назаримда, кейинги йилларда томошабинларнинг театрга муносабати бироз ўзгарди. Улар театр кулги ёки ҳордиқ манбаи бўлишини истайдилар. Тўғри, эстетик таъсирчанлик — театрнинг бош омилларидан бири, лекин театр томошахона ҳам эмас. Шунинг учун баъзиларнинг «томошабин театрдан кетиб қоляпти», «томошабинлар театрга мажбуран келишмоқда», деган гапларига қўшилиб бўлмайди. Бу — бирёқлама фикр. Тўғрироғи, асосланмаган.

Маълумки, китоблар — турли жанр ва соҳаларга бўлингани каби катталар, болалар театри, музикали ва драматик театрлар мавжуд. Ҳаётда фақат эртаклар ва халқ достонларини севиб ўқийдиган, аммо академик нашрдаги китоблардан ҳеч нарса тушунмайдиган китобхонлар бўлганидек, музикали драма театри спектаклидан завқланиб, драма театрида қўйилган асардан зерикадиган томошабинларнинг бўлиши табиий. Бунда китобхонни ҳам, томошабинни ҳам айблаб бўлмайди. Чунки ҳар бири ўз билими, ўз дунёқараши даражасида иш кўради. Шунинг учун ҳам театр ва томошабинлар муносабатини бировнинг томоша залидан чиқиб кетганлиги ёки кетмаганлиги билан эмас, энг аввал томошабиннинг билим даражаси билан белгилаш лозим.

Киши бадиий ёки сиёсий адабиётнинг муайян жанрини ўқиш учун муайян даражадаги билимга, маданий савияга эга бўлиши зарур. Умрида Шекспир ҳақида эшитмаган одамнинг унинг асарлари асосидаги спектакллар моҳиятини тушуниши бироз қийин бўлади. Лекин томошабин учун бу баҳона бўла олмайди. Ўзида дидни озгина тарбиялаган ҳар қандай томошабин асар моҳиятини тўлиқ бўлмаса-да, унда айтилмоқчи бўлган асосий фикрларнинг нуқталарини тушуниб етади. Бу ҳол Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида саҳналаштирилган «Отелло», «Ҳамлет», «Қирол Лир» каби асарлар намойиш этилганда кузатилган эди. Лекин бугунги томошабиннинг диди ва савияси ҳақида бундай деб бўлмайди.

«Театр шундай минбарки, у орқали халққа кўп яхши гапларни айтиш мумкин»,— деган эди Н. В. Гоголь. Модомики шундай экан, томошабинларни ана шу минбар атрофига йиғиш, ана шу яхши гапнинг моҳиятига тушунишга жалб этишнинг ўзи ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу маънода мен «Билетлар сотилган...» номли мақола авторининг фикрига тўла қўшиламан, фақат мактабларда эмас, завод ва фабрикаларда, корхона ва олий ўқув юртларида ҳам театр билетларини тарқатиш зарур, деб ҳисоблайман. Бугина эмас, билет тарқатиш жараёнида томошабинларни спектаклнинг моҳияти билан таништириш, уларни спектакль кўришга тайёрлаш хусусида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриш ва конкрет тадбирлар белгилаш вақти келди.

Ҳаётимиз фаровон, турмушимиз гўзал, маданиятимиз юксалмоқда. Шундай даврда яшаб, бирор марта театрга тушиб спектакль кўрмаган кишини қандай қилиб маданиятли, деб айтиш мумкин? Баъзи статистик маълумотларга қараганда, агар Тошкент шаҳрида ўқийдиган ҳар бир студент беш йил давомида бир мартадан театрга борса, шаҳардаги барча театрларнинг томоша зали ҳар оқшом томошабин билан банд бўлар экан. Бундан шундай хулоса чиқадики, беш йил давомида бир марта ҳам спектакль кўрмайдиган, театр нима эканлигини билмай ўтиб кетадиган студентлар кўп экан-да! Юқорида айтганимиздек, бундай олий маълумот олганларни ҳам маданиятли дейиш қийин. Демак, саводхонлик, маълумот беришни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмаганидек, кишиларга маданий таълим ва тарбияни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди.

Мунозарада қатнашган М. Аъламова жуда тўғри фикрларни ва мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Лекин театрга мактаб ўқувчилари қанчалик мажбурий йўллар билан олиб келинмасин, баъзи ҳолларда театрларнинг заллари бўшлигини кўрамиз. Бу ҳолни мен Муқимий номидаги музикали театр ва «Ёш гвардия» театрининг спектаклларига тушганимда кўраман. Бу ачинарли аҳволни театрларнинг раҳбарлари ҳам ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

К. Станиславскийнинг «Санъатдаги ҳаётим» номли китобини ўқиётиб, баъзан таажжубда қоламан. «Биз, — деб ҳикоя қилади у, — болалигимизда, фалон куни театрга борамиз деб хабар берилса, ўша кунни орзиқиб кутардик. Театрга борадиган кунимиз эса, албатта ҳаммомга тушардик ва янги либосларимизни киярдик. Қўлимиздаги оппоқ қўлқопларимизни кир қилиб қўймаслик учун қўлимизни биқинимиздан кўтариброқ юрардик. Театрга борганда эса, худди табаррук ибодатхонага киргандай шивирлаб гаплашардик ва мусиқанинг сеҳрли оламига шўнғиб кетардик. Шунинг учун, илк қадамларимданоқ мени театр ва музика билан яқинлаштирган ота-онамдан бир умр миннатдорман».

Биз-чи? Биз ҳам театрга келадиган ёш авлодни шундай руҳда тарбиялаяпмизми? Афсуски, болалар театр фойесида шовқин-сурон кўтаришади, томоша залига кириб олгач, бир-бири билан қичқириб сўзлашади ва ниҳоят, томоша бошлангач эса, театрнинг қимматбаҳо жиҳозларига зарар етказишади. Деворларга ҳар қандай бўлмағур сўзларни ёзишади, чиройли креслоларнинг паралонларини чиқариб ташлашади. Шу ҳам инсофданми? Бу ҳали ҳам мактабларимизда ва оилаларимизда таълим-тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Бундай болалар кўпинча ўзларини театрга эмас, аллақандай томошахонага келгандай сезишади. Ҳатто, уларни театрга олиб келган мураббийлар ҳам бу ҳолга бепарво қарашади. Ваҳоланки, болаларнинг бундай қилиқларига ва театрда ўзларини бундай тутишларига мураббийлар ҳам жавобгардир.

Кўринадики, қарс икки қўлдан чиқади. Ҳадеб барча айбни театрларга тўнкаш билан иш битмайди. Театрларни баҳсда кўтарилаётган айрим ҳақли талабларни ҳисобга олишга даъват этган ҳолда, томошабинлар билан ишлаш методи ва услубларини ҳам асосли равишда ишлаб чиқишни таклиф этган бўлардик. Бундай тадбирлар ҳайбаракаллачилик, сансалорлик йўллари билан эмас, балки ташкилий уюшган ҳолда амалга оширилсагина, ҳақиқий маънодаги маданий баркамоллик ҳақида гап бўлиши мумкин. Ана шунда театрлар ижодий коллективларининг масъулияти янада ошади ва театр ҳақиқий таълим-тарбия даргоҳига айланади.

Маҳбуба ДАДАБОЕВА





Суратларда: рассом Ч. Аҳмаров; Алишер Навоий портрети.

# НАВОИЙ ҚАСРИ БЕЗАКЛАРИ

Алишер Навоий асарлари беш аср давомида моҳир ҳаттотлар, машҳур рассомлар ва бошқа китобат аҳли учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми, СССР Давлат ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотлари лауреати Чингиз Аҳмаров ҳам ўзининг деярли ярим асрлик ижоди давомида Алишер Навоий ҳаёти, асарлари ва у яратган образларга қайта-қайта мурожаат қилмоқда. Бу соҳада республикамиз тасвирий санъатида катта маданий ва бадиий аҳамиятга молик ажойиб асарлар яратилди. Шоир номи билан аталувчи академик Катта театри залларини безаб турган жозибадор деворий расмлар қирқ йил аввал яратилган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам гўзаллик шайдоларини мафтун этмоқда. Адабиёт музейи залларидаги Алишер Навоий шеъриятига бағишланган нафис расмларни, «Сабъаи сайёр» достонидаги етти гўзал сиймоси туширилган лаганларни, Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланаётган «Алишер Навоий мажлиси» номли катта полотнони қайд этиш кифоя.

Чингиз Аҳмаров ижодида Алишер Навоий мавзуи кенг ўрин тутишини санъаткорнинг ижодхонасида яққол сезиш мумкин. Бу ерда улуғ шоир ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар, асарларининг турли даврлардаги нашрларини кўрасиз.

Кейинги уч йил давомида Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида бир гуруҳ ижодкорлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов, тажрибали кулол Аҳад Аминов, ёш рассомлар Икром Қаюмов, Умар Маматбеков, Саъдулла Маматхонов Тошкент ерости йўлининг Алишер Навоий номидаги қасрини зийнатлаш ишлари билан банд. Бу ижодий ишнинг мураккаблиги, қийинлиги шундан иборатки, аввал деворий бўртма расмларнинг (барельефлар) картондаги нусхаси тайёрланади, сўнгра тасвир сопол лойига ўтказилиб ранг берилади, кейин ўтда пиширилади. Бир лавҳа расмни мўлжалдагидай чиқариш учун ижодкорлар ўртасида қизғин баҳслардан ташқари, бутун меҳнат натижаси ўтга боғлиқ бўлиб қолади. Баъзи лавҳаларни қайта-қайта ишлашга ҳам тўғри келади.

— Метродаги ишимиз ҳали бутунлай тугалланганича йўқ, — дейди Чингиз Аҳмаров. — Аммо ҳозиргача ижодий коллективнинг ишлари мутасадди ўртоқлар, бадиий кенгаш томонидан асосан маъқулланди. Булар улуғ шоир достонлари — «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» асосида яратилган тўртта бўртма расмлар ҳамда Алишер Навоий лирик қаҳрамонлари сиймоси тасвирланган ўнта композициядан иборатдир. Биз ўз ижодий меҳнатимиз билан халқимиз юксак бадиий дидига мос келадиган, улуғ Алишер Навоий асарларидаги ажойиб образларга яқинлашадиган асарлар ярата олсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик.

А. МАДРАИМОВ

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЎРИК-КОНКУРСИ

# ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият уйининг «Дўстлик тароналари» ансамбли 1983 йилги Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлганлигини эшитиб жуда севиндим. Қувончимнинг боиси шу эдики, бу ансамбль иштирокчилари билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон комсомоли» агитпоездида ўн кун давомида Сирдарё областининг жуда кўп районларида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатгандик. «Дўстлик тароналари» халқ ансамбли репертуаридаги янги куй-қўшиқларни меҳнаткашлар завқ билан тинглаб, томоша қилдилар.

Сафар давомида ҳаммамизни сеҳрлаган, эртанги куннинг унумли меҳнати сари даъват этган, одамларни бир-бирига яқинлаштирган сеҳр битта —у ҳам бўлса қўшиқ эди.

Биз ансамблнинг музика раҳбари А. Муталов билан суҳбатда бўлиб, ҳаваскор санъаткорлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Ансамблимиз дастлаб ҳаваскорлар тўгараги сифатида ташкил топди, — деди у. —Мана, изланиш, ўқиш ва ўрганишдан иборат машаққатли йигирма йил ортда қолди. 1962 йили коллективга халқ ансамбли унвони берилди. Шу муносабат билан коллектив Москвага бориб, Кремлнинг Съездлар Саройида катта концерт намойиш этди. Пойтахт томошабинлари имтиҳонидан муваффақиятли ўтганимиз бизни ғоят қувонтириш билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклади.

Москва сафаридан кейин республикамизнинг қатор областлари бўйлаб гастроллар бошланди. Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон шаҳарларида берилган концерт номерларини санъат мухлислари яхши кутиб олдилар. Бу орада ансамбль иштирокчилари янги қўшиқлар, рақслар, музикали композициялар устида изланиб, маҳоратларини ошириб бордилар.

— Эстония хорининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган санъат байрамига бизни ҳам таклиф этишди, — дея суҳбатни давом эттирди ансамблнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Нишонов. — Бу бизга билдирилган юксак ишонч эди, шунинг учун репертуаримизни қайта кўриб чиқдик. Дўстлик ва қардошликни мадҳ этувчи янги қўшиқлар ўргандик, ўзбек халқининг эркин ҳаёти, озод инсон қалбининг жўшқин қўшиқлари билан репертуаримизни бойитдик. Эстонияда ўзбек санъатини намойиш қилиш билан бирга, эстон санъаткорлари билан ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ўрнатиб қайтдик.

1972 йили Болгарияга қилинган сафар ҳам унутилмас хотира бўлиб қолди. Болгариянинг Бургас, София, Хасково ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларида ансамбль хонандалари болгар халқ қўшиқлари, рақс ва лапарларини ўрганишган бўлса, болгариялик санъаткорлар ўзбек қўшиқлари, рақсларининг ошиғи бўлиб қолишди.

Ансамблнинг «Дўстлик тароналари». деб аталиши бежиз эмас. Зеро, коллективнинг асосий мақсади, орзу-ўйлари дўстликни мадҳ этиш, дўстлар давраларига қўшиқ билан файз киритиш, уларга эстетик завқ беришдир. «Меҳрибон Ватан», «Тарона», «Олтин ижодкорлари», «Онажон», «Оламда гуллар яшар» каби кўплаб қўшиқлар «Дўстлик тароналари»нинг репертуаридан мустаҳкам жой олган.

Ансамблнинг яна бир яхши ҳислати шундаки, у турли касб эгаларини бирлаштирган. Масалан, Н. Мусаев ўрта мактабда музикадан дарс беради, Б. Исмоилов район маданият уйининг бадиий раҳбари, М. Дадаметова болалар боғчасида тарбиячи, Ж. Акбарова ва Б. Пўлатов эса ишчи. Буларнинг барчасини бир ансамблга бирлаштирган, қадрдон дўстларга айлантирган куч ҳам ана шу — қўшиққа бўлган муҳаббат ва ҳавасдир.

Ансамбль олдида ижодий изланиш йўллари бор. «Дўстлик тароналари» иштирокчиларининг мақсади ҳар томонлама мукаммал куй ва қўшиқларни янада кўпайтириш, тингловчиларга манзур қила олишдир.

— Халқ куйлари, қўшиқлари, айниқса, унутилиб бораётган айрим ҳазил халқ лапарларини тиклашга алоҳида эътибор берамиз, — дейди музика раҳбари А. Муталов.

Шу кунларда бу халқ ансамбли ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди. Бу эса ўз навбатида ансамбль олдига янги масъулиятли вазифалар юклайди. Чунки уларнинг ҳар бири ҳам қўшиқ —ҳиссиётлар, ички туйғулар, муҳаббат мулки бўлиб янграсагина одамлар қалбига йўл топа олишини яхши билади.

«Дўстлик тароналари»нинг юракларга завқ ва эҳтирос бахш этувчи ўтли тароналари баралла янграйверсин!

Рустам ШУКУРОВ

# ҚЎШИҚ ТАҚЛИДЧИЛИГИ—ИЛЛАТ

БУГУНГИ юксак дидли томошабинга қўшиқ билан завқ бағишлаш осон эмас. Бу санъаткордан талант билан бирга, катта масъулиятни ҳам талаб қилади. Шунинг учун қўшиқчилик санъатимизда ўз овозига, ўз услубига эга бўлган ижрочиларни тарбиялашдек муҳим муаммо турганлиги яққол сезилмоқда. Бу масала бировнинг қўшиғини айнан ўша хонанда овозига ўхшатиб айтиш, яъни тақлидчилик бирмунча авж олган ҳозирги шароитда яна да жиддий шуғулланишни талаб этади.

Қўшиқчилигимиздаги бу касаллик ҳақида матбуотда жиддий мақолалар босилди. Баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Уларнинг иштирокчилари тақлидчилик санъатимиз ривожига катта тўсиқ бўлаётганлигини бир овоздан таъкидладилар. Лекин бу иллат ҳанузгача хонандалар орасида қанот қоқиб юрибди. Тақлидчиларнинг кўпчилиги Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев каби хонандаларнинг овозига тақлид қилиб, ҳатто улар яратган қўшиқларни ўзлариники қилиб радио, телевидение орқали ижро этмоқдалар. Баъзилари пластинкалар ҳам чиқаришга муваффақ бўлишди. Бугун эса бу иллат қўшиқчилигимизда бутун бир оқимни ташкил этади, десам янглишмайман.

Тақлидчилик энг осон, энг жўн кўчирмачиликдир. Бундай ашулаларнинг ҳақиқий санъатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тақлидчилик йўлига тушиб олган санъаткор ўз ўрнини ҳам, ўз ихлосмандларини ҳам тополмайди. Охири, тўйма-тўй юриш оқибатида унинг «қўшиқлари» ҳақиқий санъат намунаси бўлган қўшиқлар ичида кўринмай кетади.

Назаримда, санъат даргоҳига қадам қўяётган баъзи ёшлар қайси хонанданинг қўшиқлари оммалашиб кетган бўлса, ўшанинг муқомига йўрғалай бошлайдилар. Улар хонанда шуҳратига ҳавас қилишади. Афсуски, санъатда тақлид ва ҳавас билан иш битмайди. Бу ҳолни тақлидчи ёшлар эртароқ тушуниб олишлари керак. Мен Нуриддин Ҳайдаров деган хонандани биламан. Унинг яхшигина овози бор. Яқинда унинг кейинги қўшиқларини тинглаб қолдиму, илгариги таассуротларим бутунлай ўзгарди. У ҳам ҳаммага таниш бўлган бир хонандага аниқ тақлид қила бошлабди. Томошабин концерт залига Нуриддин Ҳайдаровдан бировнинг ашуласини эмас, балки ўз қўшиқларини эшитиш учун келади.

Халқимиз қўшиққа жуда катта талаб билан қарайди. Қўшиқчиликда мактаб яратган санъаткорларимиз ҳам овозини кейинги авлодларга етиб боришини катта маҳорат деб билишган. Ҳолбуки, тақлидчилар қўшиғининг парвози қаерга ҳам борарди?! Эшитишимча, «Муножот» беш юз йилдан буён янграб келар экан, шунингдек, «Чўли Ироқ», «Гиря», «Тановар», «Ушшоқ», «Сегоҳ» каби классик қўшиқларимизнинг ҳар бир даврда ўз ижрочилари бўлган. Шунинг учун ҳам «ўз ижрочилари» деймизки, санъаткорлар бу ашулаларни ўз овозлари, ўз услублари билан талқин этганлар.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети ва М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги ансамблларда ҳар йили юзлаб қўшиқлар яратилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам яшаб қолаётгани йўқ. Қўшиқчилик санъатимиз ҳар йилни саноқли асарлар билан якунламоқда. Чунки аксарият қўшиқларда тақлидчилик сезилиб туради.

Умуман, ижодда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб кетавериш қабилида иш тутиш кўпинча тақлидчиликка олиб келади. Зеро, қўшиқчи — ижодкор. Яхши қўшиқ яратиш машаққатидан қочадиган, шуҳрат шоҳсупасига осон йўлдан боришга интиладиган хонандалар албатта қайтариқ, тақлид йўлига тушиб қоладилар. Тақлидчилик йўлидан юқори кўтарилишга эришган хонанда беғараз ҳакам — томошабин олдида нима деб ҳисоб беради.

Сўнгги пайтларда бу иллатнинг яна бир қирраси кўзга ташланиб қолмоқда. Ўзбек ашулаларини ярим арманча, ярим озарбойжонча оҳанглар, нақаротлар билан, сўзларини бузиб, чўзиб ижро этишмоқда. Бундай ашулалар «Ионика» электр чолғу асбоби, электрогитара, кларнет, ҳатто мандолина жўрлигида ижро этилмоқда. Бундай чолғу асбоблари бизнинг миллий қўшиқларимиз руҳига мос келмаётгани яққол сезилиб туради. Бу — электр ва бошқа халқлар чолғу асбобларини миллий музикамизда қўллашни тақиқлаш керак, деган гап эмас. Лекин танбур, дутор, най, ғижжак, чанг, рубоб, доира сингари чолғу асбобларимиз ҳар қандай ашула учун муносиб куй чалиш имконига эга. Буни хонанда назардан қочирмаслиги керак.

Тақлидчилик қўшиқ санъатимизга қандай салбий оқибатлар олиб келаётганлиги бугун оддий тингловчига ҳам маълум бўлиб қолди. Бировларнинг овозига тақлид қиладиган қўшиқчиларнинг «парвози»ни жиддийроқ ўйлаб кўрадиган вақт келди. Бу борада қилинадиган ишларнинг биринчиси — йўл бошида турган қўшиқчиларимизга мураббийликни кучайтиришдир. Кейин эса — телевидение, радио ва филармонияларимиз областлар бўйлаб айланиб, яхши овоз соҳибларини қидиришлари талаб этилади. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам республика радиосида кичик бир экспедиция бўлгучи эди. Баъзан Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматов, гоҳида музикали эшиттиришлар редакциясининг ходимлари Софья Бухараева ёки Анвар Исроилов бошчилигида областларга сафар қиладиган бу кичик бадиий совет кўплаб талантларнинг юзага чиқишига сабаб бўлган. Мана шундай хайрли ишлар яна жонлантирилса, қўшиқчилигимиз учун фойдали бўлар эди.

Хуллас, яратилаётган қўшиқларимиз бадиий жиҳатдан пухта, сержило, такрорланмас бўлиши керак.

Дадахон ҲАСАНОВ

